

ЭРАМИЗДАН ОЛДИНГИ ДАВРЛАРДА ХУРФИКРЛИЛИК ҒОЯЛАРИНИНГ РИВОЖЛАНИШИ

Жиззах Давлат педагогика институти

Юнусов Дилшод Рахматович

Аннотация: Ушбу мақолада бугунги кунда Республикамизда олиб борилаётган жамики тарбиявий ишлар, ижтимоий ҳаётни йўлга қўйиш масаласи, илк одамларда аста-секинлик билан эволюцион тарзда ривожланиш ва ижтимоийлашув юзага келиши, айнан ёшларни юксак маънавиятли шахс сифатида тарбиялаш, бу ишлар замирида, ёшлар онгида хурфикрликни шакллантириш ғояси ётади.

Калит сўзлар: Хурфикрлилик, Хурфикрлилик тарихи, халқ оғзаки ижоди, Илк ёзма манбалар, homo-sapines (илк одам), табу, тотем, жамоа, ижтимоий тараққиёт.

Бугунги жадаллашиб бораётган глобаллашув шароитида миллий кадриятларни сақлаб қолиш билан бир қаторда ёшларда диний бағрикенглик ва хурфикрлик ғояларини шакллантириш долзарб аҳамият касб этади. Бу жараёнда педагогик хурфикрлиликнинг тарихий илдизларини тушунтиришда қўидаги тизимни амалга ошириш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Бунда:

- Хурфикрлилик тарихи тўғрисида илмий асосга эга бўлган маълумотлар;

- Халқ оғзаки ижоди тўғрисидаги маълумотлар;

- Илк ёзма манбалар ва уларнинг аҳамияти тўғрисидаги маълумотлар;

- Буюк сиймолар тўғрисидаги маълумотлар;

- Педагоглар тўғрисидаги маълумотлар;

- Бадиий адабиётларда хурфикрлилик тўғрисидаги маълумотлар;

Бугунги кундаги одамнинг, яъни *HOMO-SAPINES*¹нинг илк маротаба бу оламга келиши борасида ҳар хил фикрлар бор. Улар тахминан 50 минг йиллар олдин пайдо бўлганлиги манбаларда ўз аксини топган. Илк одамлар табиат билан ҳамнафас бўлиб яшаши учун, унинг барча қонуниятларига сўзсиз бўйсиниши керак эди. Одамлар табиатнинг ривожланишини диққат билан кузатишган ваўзлари учун хулосалар чиқара олишган.

Шунинг натижаси сифатида уларда ижтимоий ҳаётни йўлга қўйиш масаласи пайдо бўлганлиги сабабли аста секинлик билан улар ўзларидаги мавжуд ҳайвонларга хос бўлган хирсларни илк инсоний хислатлар доирасида бошқариш кўникмаларини ишга солган. Демакки, илк одамларда аста-секинлик билан эволюцион тарзда ривожланиш ва ижтимоийлашув юзага кела бошлаган. Бу борадаги фикрлар турлича, биз Россия фанлар академияси, академиги Анатолий Деревянконинг куйидаги фикрларига эътибор бердик. “Африка ва Евросиёда замонавий одамларнинг пайдо бўлишига олиб келадиган барча занжир *Homo erectus sensu lato*нинг аجدодлар асосига асосланган. Кўриниб турибдики, инсоният ривожланишининг сапиент чизиғининг бутун эволюцияси ушбу политип турлари билан боғлиқ.

Эректоид шаклларнинг иккинчи миграция тўлқини Ўрта Осиё, Жанубий Сибир ва Олтойга тахминан 300 минг йил олдин, эҳтимол Яқин Шарқдан келган. Ушбу хронологик босқичдан биз Денисова ғорида ва Олтойдаги ғорларда ва очик жойларда жойлашган бошқа жойларда тош саноатининг узлуксиз конвергент ривожланишини ва натижада инсоннинг жисмоний турини кузатамиз.

Бу ерда саноат Евроосиё ва Африканинг қолган қисмига нисбатан ҳеч қандай ибтидоий ёки архаик бўлмаган. Ушбу минтақанинг атроф-муҳит шароитларига бағишланган. Хитой-Малай зонасида ҳам саноатнинг, ҳам шахснинг анатомик турининг эволюцион ривожланиши эректоид шакллари

¹Толковый словарь иностранных слов Л.П.Крысина. - М: Русский язык, 1998.

асосида содир бўлди. Бу маълум бир ҳудудда шаклланган замонавий типдаги одамни *Homo sapiens orientalis* кичик турига ажратиш имконини беради.

Худди шу тарзда, *Homo sapiens altaiensis* ва унинг моддий ҳамда маънавий маданияти Жанубий Сибирга яқинлашиб ривожланди.

Ўз навбатида, европада *Homo sapiens neanderthalensis* алоҳида тарзда ривожланди. Бу ерда, аммо унчалик тоза бўлмаган иш, чунки Африкадан замонавий типдаги одамлар бу ерга келишган. Ушбу икки кичик тур ўртасидаги муносабатларнинг шакли ҳақида мунозаралар мавжуд, аммо генетика ҳар қандай ҳолатда замонавий одамларда неандертал геномининг бир қисми мавжудлигини кўрсатади.

Шундай қилиб, фақат битта хулоса қолади: *Homo sapiens*- бу тўртта кичик турни ўз ичига олган тур. Булар *Homo sapiens africanensis* (Африка), *Homo sapiens orientalis* (Жануби-Шарқий ва Шарқий Осиё), *Homo sapiens Neanderthalensis* (Европа) ва *Homo sapiens altaiensis* (Шимолий ва Марказий Осиё). Бизнинг фикримизча, барча археологик, антропологик ва генетик тадқиқотлар шундан далолат беради! Бу фикрлардан кўришиб турибдики қадимги аجدодлар ер қуррасининг қаерида яшамасин, тараққиёт сари интилишган. Шунинг учун ҳам улар табиат ва жамиятда бўлаётган воқеа ва ҳодисаларга муносабат билдириш орқали ўзларининг илк хурфикрлиликга оид қарашларини намоён қилишган.

Хурфикрликка биз маънавийнинг бир белгиси сифатида қараймиз. Одамзотнинг илк даврлардаги хурфикрлик билан боғлиқ саъий ҳаракатлари ҳамма нарсани истемол қилиб бўлмаслик, ҳамма нарсага ҳам тегиб паймол қилиш мумкин эмаслиги, “ТАБУ”² да ўз ифодасини топган. “Табу” жамиятни онгли тарзда назорат қилиш ва бошқариш орқали одамлар қалбини инсоний фазилятлар билан тўлдиришга ҳаракат қилган. Буни биз инсон қалбини эзгу ишлар билан тўлдириш бораварида уларнинг руҳиятини поклашда ижтимоий назорат деб тушуниб, уни жамиятни маънан бошқаришнинг илк шакли деб

²Encyclopædia BritannicaOnline

ҳисоблаш мумкин деган хулосага келдик. Ўша даврларда қарилар, аёллар ва гўдакларни сўйиб ейиш (каннибализм) урф бўлган бўлган. “Табу” бундай ёмон иллатларга қарши туриб, кимда ким тошбағирлик қилса, қарилар, аёллар ва гўдакларни сўйиб еса ёки емоққа ҳаракат қилса уларга нисбатан жамоатчиликнинг нафратини кўзғатган ва улар қаттиқ жазоланган. Ўша даврларда яқин қариндошларнинг оила қуриб яшаши оддий бир ҳол бўлганлиги сабабли, болаларнинг нимжон туғилиши, касалликларга тезда чалиниши, ташқи кўринишида нуқсонларнинг пайдо бўлиши тез-тез кўзга ташланган. Буни кўриб турган илғор фикрли инсонлар бир уруғ ичидаги қизларга уйланиб оила қуришни таъқиқлаганлиги ҳам ҳурфикрлашнинг бир кўринишидир.

Жамиятни бошқаришнинг бундай тарихий шакли одамлар орасида меҳр-муҳаббатни кучайтирган. Тажрибали инсонларнинг иш юритиш услубини оммалаштирганлиги сабабли жамиятда маънавий-ахлоқий муҳит шаклланган, ижтимоий таракқиётнинг асоси пайдо бўлган.

“Табу” ўз фаолияти жараёнларида қадриятларга тўғри келмайдиган одатларни аста секинлик билан йўқ қилган. Масалан, юқорида айтиб ўтилган ҳолатлардан бири яқин қариндошлар, қабиладошларнинг оила қуриши таъқиқланиши натижасида бошқа уруғ ва қабилалар билан келишиш имконини яратган. Демакки, ўз-ўзидан бошқа қабилалар билан қудандачилик йўлга қўйилган.

Қадимги даврларда пайдо бўла бошлаган ҳурфикрлик инсон тафаккурини кенгайтди. Одамлар табиат ва жамиятга муносабатини ўзгартириб бориши натижасида ижтимоий онгнинг такомиллашиши кузатилди. Одамлар ўзларига яратилган шароитнинг асосчилари бобокалонлари эканликларини англаб, қачонлардир бу дунёни тарк этган бобокалонларининг руҳларини шод қилиш мақсадида уларнинг қабрларига сиғинишни бошлаган. Бу ҳаракатлар тотемнинг дастлабки кўринишлари эди.

Табу ва тотемлар эътиқодлари одамлар ўртасида гуноҳ ва савоб каби тушунчаларни келтириб чиқарди. Одамлар айрим диний китобларда қайд этилган таъқиқловчи ва рухсат берувчи кўрсатмаларга ишонмай табиат ва жамиятда содир бўлаётган ҳодисалар ва воқеаларга ўзгача муносабат билдира бошлаши ҳурфикрловчи кишилар пайдо бўлганлигидан ишора эди.

“Маълум тарихий даврда олам, табиат ва жамият ҳодисалари, унда одамнинг ўрни ва роли ҳақидаги муайян жамиятда етакчи ёки ҳукмрон бўлган дунёқараш, у асосда шаклланган тасаввурлар, барқарор бўлиб қолган (стереотип) қарашлар ҳақлигига шубҳа билан қараш, ишончсизлик, тафаккур усулининг анъанавий тарзлари доирасидан чиқиб, эркин фикр билдириш, ҳақиқатни излаш ва топишда ақлга, илм-фан далиллари, ижтимоий тажрибага таяниб янги фикрлар, ғоялар билдириш, назарий қоидалар яратиш ҳурфикрлилиқдир.

Ҳурфикрлилиқ айни чоғда маънавий маданиятни такомиллаштириш, ижтимоий муносабатларни инсоний изга солиш ҳаракати ҳамдир”³. Қадимда вафот этган инсоннинг жони, руҳи ўзи яшаб ўтган уйга келиб туриши борасидаги қарашлар замирида ўлган одамларнинг руҳига сиғиниш, улардан нажот кутиш каби одатлар пайдо бўлган. Бу эса одамларни руҳий эзилишга, руҳан тетиклашишга олиб келганлиги натижасида ҳиссий интилишлар юзага келганлигини биз халқ оғзаки ижодининг баъзи бир жанрларида кузатамиз.

“Ҳурфикрлик тарихан турли шаклдаги ақидапарастликни танқид қилишда намоён бўлган. Масалан, антик дунёда коинот ва осмон жисмларининг ўзгармаслиги, Қуёш, Ер, Ой, юлдузларнинг ҳаракатланмаслиги тўғрисидаги ақидалар мустаҳкам ўрин эгаллаган эди. Кейинроқ уларга қарши Птоломейнинг Қуёш ва Ойнинг Ер атрофида айланиши тўғрисидаги ғояси пайдо бўлди. Бу ҳол турли ихтиро ва

³Иброҳим Каримов. Маънавият, фалсафа ва ҳаёт. –Т: “Фан” 2007. 119-бет

кашфиётларга туртки бўлиб, астрономик кузатишлар олиб боришга имконият яратган эди”⁴.

Инсоният тарихида хурфикрликнинг илк кўринишлари милоддан аввалги 12-9 минг йилликлар - мезолит даврига бориб тақалади. «Мезиолит» юнонча «mezos» - ўрта, «litos» - тош, яъни ўрта тош даври. Бу даврдага келиб қадимги одамлар ўқ-ёй яшашни ўрганиб олганлиги яқка овчиликка асос солди. Унинг натижасида одамлар аста – секинлик билан ёввойи ҳайвонларни қўлга ўргата бошлади. Бу давр одамлари ўзлари ва қўлга ўргатилган ҳайвонлар учун бошоқли ўсимликларни ўстириш кераклигини англади ва унинг уддасидан чиқди. Одамларнинг онг даражаси ўзгариб оламни ҳиссий ўрганига ва унга муносабат билдиришга ҳаракат қилиши қоятош суратлари пайдо бўлишига туртки бўлди.

Милоддан аввалги 9 - 4 минг йилликда яқин шарқда яшаган одамлар неолит даврининг бошларида деҳқончилик, чорвачилик ва хунармандчиликни ўзлаштириб олган ва ўтроқ турмуш тарзига ўтган. Бу даврда келиб одамлар тош болта ва теша, пичоқ сопол идишларни яшашни ўргангани улар учун одатий бўлган турмуш тарзидан, янги турмуш тарзига ўтиши учун хурфикрлай олиши керак эди ва улар бунинг уддасидан чиқишди.

Милодий 1 минг йиллик бошларигача - жез (бронза) даври. У инсониятнинг энг қадимги даврининг сўнгги боскичларидан бири ҳисобланади. Бу даврда жез қуроллардан фойдаланиш бошланганлиги инсоният тарихида одамлар ўзларига шарт-шароитларни яратиши фикрлашда ўсиш борлигини кўрсатади. Одамлар бу даврда ўзлари учун меҳнат қуролларининг сифат жиҳатдан устунлиги ва қулайлигига эътибор қаратиши давр хурфикрлигидан далолат беради.

“Милет фалсафий мактаби хурфикрликнинг ривожланишига катта ҳисса қўшган. Бу мактабнинг асосчиси Фалес (мил. ав. 624— 547 й.) ҳақли

⁴Маънавият. Асосий тушунчалар луғати. Тошкент. 2009й- 954 бет

равишда юнон фани ва фалсафасининг асосчиси саналади. Фалес ўз даврининг ўткир билимдон кишиси эди. У савдогар, сиёсий арбоб, мунажжим, риёзиётчи, географ, физиолог, файласуф ва таниқли гидроинженер бўлган. Фалес бир неча йил олдин Куёш тутилишини олдиндан башорат қилган. Фалес Куёш тутилиши сабабини Ой, Куёш йўлини тусиши оқибатида содир бўлишини айтган. Фалес куёшнинг бир йил давомидаги харакати 365 кунга тенг эканлигини исботлаб берган. Тарихий манбаларда келтиришича, Фалес Кичик айик юлдузини кашф этган. Фалес биринчи бўлиб, оламнинг моддий бирлигини ва бу моддий birlik доимо ўзгаришда эканлигини эътироф этган”.

Анаксимандр (мил. ав. тахм. 611 — 545) — юнон файласуфи, Милет мактаби намояндаси. «Табиат ҳақида» - дастлабки юнон фалсафий асари муаллифи. Фалеснинг шогирди. Коинотнинг геоцентрик моделини, илк географик харитасини тузган. Одамнинг «бошқа турдаги ҳайвонот» (балиқлар)дан келиб чиққанлиги ғоясини баён қилган. Анаксименнинг хурфикрлаши у илм ахли орасида биринчи бўлиб харакатсиз юлдузлар билан сайёралар ўртасида фаркни кўрсатиб беришида намоён бўлган. Шу билан бир қаторда у куёшнинг тутилиши ой, куёш билан ернинг ўртасига тушиб колганда тутилиш рўй беради дейди. У яна қорнинг, дўлнинг ёғиши борасида булутдан пайдо бўлган ёмғир совугач, дўлга айланади. Хавонинг сув билан аралашидан қор пайдо бўлишини айтган.

Гераклитнинг энг муҳим фалсафий ғояси қарама-қаршилиқларнинг кураши ва уйғунлигидир. Унинг фикрича, ўзгаришлар қарама-қарши кучларнинг таъсири натижасидир, қарама-қаршилиқлар абадий курашда, ҳамма нарса кураш ва зарурият оқибатида вужудга келади. Гераклитнинг фикрича, оламни билишнинг асосида сезгилар ётади. Фақат тафаккургина доноликка олиб боради.⁵Бугунги кунда ҳам Гераклитнинг фалсафий қарашлари инсонларни доимий равишда янгича фикрлашга ундаб турганлиги

⁵ЎЗМЭ Г харфи Тошкент «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» Давлат илмий нашриёти” Т. 225- 226 бетлар

боис ҳам биз уларнинг қарашларидан талабаларда педагогик ҳурфикрликни шакллантиришда кенг фойдаланишни йўлга қўйишимиз мумкин. Шу билан бир қаторда қуйида номлари зикр этилган буюк файласуфларнинг ҳурфикрликка оид қарашларига эътибор қаратсак, қуйидагилар кўзга ташланади.

Пифагор эрамиздан олдинги 570 – 409 йиллар сиёсатга ҳурфикрлик билан ёндошганлиги туфайли подшо Поликрет билан чиқиша олмаган. Пифагорнинг ҳурфикрлиги ўз замонасининг илғор ғояли инсон эканлигидан далолат беради. У дунёни билиш жараёни ва билишнинг инсон шаклланиши, ривожланиши ва камолатидаги ўрнини ёриб берган. Пифагор оламни англаш аввало, рақамларни билишдан бошланиши кераклигини айтиб ўтган. Дунёда пифагор теоремаси оламшумул ахамиятга эга.

Сукрот (Сократ) (эрамиздан олдинги 469—399 йиллар) — қадимги Юнон файласуфи. У ҳурфикрли инсон бўлганлиги учун ҳам ёшлар тарбияси билан мунтазам равишда шуғулланган. У Афинада амал қилган қонунларни нотўғри ва адолатсиз деб ҳисоблаган. "Афлотун менинг дўстиму аммо қонун дўстликдан устун туради", деган ҳикматли ибора ўша давр маънавиятининг яққол ифодасидир.

Афлотун "Ғоялар дунёси ва соялар дунёси" таълимотининг асосчиси. Унингча, ғоя ҳақиқий борлиқ, биз биладиган ва яшайдиган дунё эса унинг соясидир. "Давлат" асарида жамият ҳақида, унинг идеал сиёсий тузуми тўғрисидаги қарашларида кишиларнинг одил жамиятдаги қонунларга бўйсунуши ижтимоий тараққиётнинг асосий гаровидир - деган фикри нафақат у яшаб ўтган давр, балки бугуни кун учун ҳам бирдек тааллуқлидир.

Арасту (Аристотель) (384-322 йиллар) Арастунинг ҳурфикрлиги мавжуд фанларни икки турга — назарий ва амалий фанларга бўлганлигида ҳам яққол кўзга ташланади. У амалий фанларни бирор бир фойдали ишни амалга оширишга йўналтириш кераклигини уқтиради. Назарий фанларни эса уч қисмга ажратиб унинг таркибини қуйидагича белгилаб берган. Булар:

- фалсафа (метафизика);
- математика;
- физика.

Арастунинг хурфикрлилик таълимотига кўра, оламдаги нарса ва ходисаларни тўртта сабабга бўлиб кўрсатади. Булар:

- моддий сабаб, яъни модда (материя);
- шаклий сабаб ёки шакл;
- яратувчи сабаб;
- пировард сабаб ёки мақсад сабаблардир.

Демокрит: “хақиқий борлик — моддий дунё, абадий ва поёнсиз, чексиз-чегарасиз реалликдир, олам майда моддий заррачалардан, яъни атомлардан ва бўшлиқдан иборат дея таълим беради. Атомлар ва бўшлиқўзаро яхлит абадий ибтидодир. Атомлар— бўлинмас ва ўзгармас, сифат жиҳатдан бир хил, унинг микдори шакли сингари беҳисобдир. Ҳаракат, деган эди Демокрит, атомлардан иборат модданинг абадий, табиий ҳолатидир. Демокрит тасодифиятни инкор этган”. У “на табиатда, на жамиятда ҳеч бир нарса тасодифан пайдо бўлмайди”, деб ёзган.Меъёр, дейди файласуф, ахлоқнинг табиати нсонларга инъом этган куч вақобилиятгамоскелишидадир. Доноликучтаҳосилкелтиради: яхшификрлаш; яхшисўзлаш; яхшиҳаракатқилиш.

Талабаларда педагогик хурфикрликни ривожлантиришда юқоридаги маълумотлар акс этган адабиётларни ўқиш ва таҳлил қилиш тавсия қилинади.Буюк файласуфларнинг ҳаёти ва улар томонидан қолдирилган маънавий манбаларга ижодий ёндошиб, ҳар бир мутафаккирнинг хурфикрликка оид қарашларининг мазмун – моҳиятини бугунги кун ижтимоий муносабатлари билан боғлаш муҳимлиги сингдирилади.

АДАБИЁТЛАР:

1. Саъдулла Йўлдошев, Миржалол Усмонов, Рахмат Каримов.Қадимги ва ўрта аср ғарбий европа фалсафаси «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси бош тахририяти. Тошкент – 2003
2. Фалсафа асослари. (Тузувчи ва масъул мухаррир: Қ.Назаров).— Т., «Ўзбекистон» нашриёт-матбаа ижодий уйи. 2005.—384 б.
3. Ўзбекистон миллий энциклопедияси. Г ҳарфи Т.: Давлат илмий нашриёти 3 том 225- 226 бет
4. Ўзбекистон миллий энциклопедияси. А ҳарфи Т.: Давлат илмий нашриёти 1 том 461 бет
5. Анатолий Деревянкоакадемик РАН.Homosapiens– вид, в который вошли четыре подвида<http://www.ras.ru/news/shownews.aspx> 19:12 02/05/2012 ИнтервьюАлександр Цыганов. (ИТАР-ТАСС, Москва)
- 6.Маънавият .Асосий тушунчалар луғати. Тошкент. 2009 й - 954 бет
7. Nemat Kushvaktov, Dilshod Yunusov, Mamadoli Isokulov, Tohir Hakkulov. (2020). Formation Of High Spiritual Qualities In Youth. International Journal of Advanced Science and Technology, 29(08), 3710-3714. Retrieved from <http://sersec.org/journals/index.php/IJAST/article/view/25594>
- 8.Юнусов Д. Formation of high spiritual qualities in youth. International journal of advanced Science and Technology. Vol. 29,No. 8, (2020).
9. Dilshod, Y. (2020). Талабаларда педагогик ҳурфикрликни ривожлантиришда тарихий асослардан фойдаланиш. Архив Научных Публикаций JSPI.
10. Rakhmatovich, Y. D. (2019). PEDAGOGICAL AND PSYCHOLOGICAL FEATURES AND FACTORS OF THE DEVELOPMENT OF PEDAGOGICAL FREETHINKING IN STUDENTS. European Journal of Research and Reflection in Educational Sciences Vol, 7(12).
11. Dilshod, Y. (2020). ПЕДАГОГИК ХУРФИКРЛИКНИНГ ТАЛАБАЛАР ФАОЛИЯТИДАГИ РОЛИ. Архив Научных Публикаций JSPI.

12. Dilshod, Y. (2020). Formation Of High Spiritual Qualities In Youth. Архив Научных Публикаций JSPI.
15. Dilshod, Y. (2020). Негативное педагогическое влияние социальной среды на личность подростка. Архив Научных Публикаций JSPI.
16. Dilshod, Y. (2020). Формирование педагогического свободомыслия как важная педагогическая проблема. Архив Научных Публикаций JSPI.
17. Isoqulov, M. (2022). ЮҚОРИ СИНФ ЎҚУВЧИЛАРИ ОНГИДА ЖАҲОЛАТГА ҚАРШИ КУРАША ОЛИШ ТАФАКУРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА ОИЛА ВА МАКТАБ ҲАМКОРЛИГИ. Журнал Педагогика и психологии в современном образовании, 1(4). извлечено от <https://ppmedu.jspi.uz/index.php/ppmedu/article/view/4746>
18. Mamadoli Isoqulov, ФОРМИРОВАНИЕ МЫШЛЕНИЯ МОЛОДЁЖИ В ПРОЦЕССЕ ОБРАЗОВАНИЯ – ВОСПИТАНИЯ , Журнал Педагогика и психологии в современном образовании: № 1 (2021): Zamonaviy ta'limda pedagogika va psixologiya fanlari
19. Mamadoli Isoqulov, ТАЪЛИМ – ТАРБИЯ ЖАРАЁНЛАРИДА ЁШЛАР ТАФАККУРИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ , Журнал Педагогика и психологии в современном образовании: № 2 (2021): Журнал педагогика и психологии в современном образовании
20. Munarova, R. N. O. S., & Soibnazarova, M. N. L. (2022). ONTOGENEZNING TURLI DAVRLARIDAGI SHAXS IQTIDORINI NAMOYON BO ‘LISH JIHATLARI. Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences, 2(2), 682-688.
21. Munarova, R. N. O. S., & Soibnazarova, M. N. L. (2022). ONTOGENEZNING TURLI DAVRLARIDAGI SHAXS IQTIDORINI NAMOYON BO ‘LISH JIHATLARI. Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences, 2(2), 682-688.

- 22.Norpulatovna, S. M. (2021, January). THE PROBLEMS OF HUMANITY IN PHILOSOPHICAL SCIENTIST. In Euro-Asia Conferences (Vol. 1, No. 1, pp. 478-479).
- 23.Norpulatovna, S. M. (2021, January). THE PROBLEMS OF HUMANITY IN PHILOSOPHICAL SCIENTIST. In Euro-Asia Conferences (Vol. 1, No. 1, pp. 478-479).
- 24.Soibnazarova, M. (2022). БУЮК МАЪРИФАТПАРВАР М.БЕҲБУДИЙНИНГ ПЕДАГОГИК ФИКРЛАРИНИНГ ТАЪЛИМ ВА ТАРБИЯ ЖАРАЁНИДАГИ АҲАМИЯТИ. Журнал Педагогика и психологии в современном образовании, 2(6). извлечено от <https://ppmedu.jspi.uz/index.php/ppmedu/article/view/5572>
- 25.Soibnazarova, M. (2022). ЁШ АВЛОДНИНГ МАЪНАВИЙ-АХЛОҚИЙ ТАРБИЯСИДА МУТАФАККИРЛАРНИНГ ФИКРЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ. Журнал Педагогика и психологии в современном образовании, 2(6). извлечено от <https://ppmedu.jspi.uz/index.php/ppmedu/article/view/5573>
- 26.Soibnazarova, M. (2022). АЛЛОМАЛАР АСАРЛАРИДА ИНСОНПАРВАРЛИК МУАММОЛАРИ. Журнал Педагогика и психологии в современном образовании, 2(6). извлечено от <https://ppmedu.jspi.uz/index.php/ppmedu/article/view/5574>
- 27.Sanakulova, Z. A., & Soibnazarova, M. N. (2017). Modular training as a pedagogical technology. Pedagogicheskoe masterstvo: X Mezhdunarodnaya nauchnaya konferentsiya, Moskva, iyun'2017.
- 28.Санакулова, З. А., & Соибназарова, М. Н. (2017). Модульное обучение как педагогическая технология. In Педагогическое мастерство (pp. 20-22).
- 29.Соибназарова, М. Н., & Санакулова, З. А. (2016). Некоторые психологические проблемы общения в подростковом возрасте. Молодой ученый, (5), 737-739.

30. Санакулова, З. А., Соибназарова, М. Н., Бойтураева, Н. И., & Юлдашев, Ш. Э. (2016). Психологические условия формирования навыков самостоятельного мышления у учащихся. Молодой ученый, (8), 1022-1024.